

**Айбдорнинг зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришдаги ҳаракатлари қасддан одам ўлдириш жинояти билан нотўғри квалификация қилинган.**

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 2 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган шу вилоят судининг 2009 йил 30 декабрдаги ҳукмига асосан, М. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «ж» банди билан 16 йил, 25,97-моддаси 2-қисми «а,ж» бандлари билан 15 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 17 йил озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. қуйидаги ҳолатларда жиноятлар содир этганликда айбли, деб топилган.

М. 2009 йил 2 октябрь куни тунги соат 12 ларда Наманган шаҳридаги «Тошкент» ошхонасида маҳалладоши Б. билан овқатланиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтиришган. Шу ерга унинг маҳалладоши А. келиб, жазо муддатини ўтаб келганлигини, унинг судланганлигига М. сабабчи бўлганлигини айтиб, акаси Б. нинг олдига бирга боришни, ўша ерда келишиб олишларини айтган.

Сўнгра А. М.ни мажбуран йўловчи “Дамас” автомашинасига ўтирғизиб, Наманган шаҳар, 4-кичик туман ҳудудида жойлашган бозорга бирга боришиб, у ерда тарвуз-қовун сотиш билан шуғулланадиган Б. билан учрашган. Ака-ука А.Б.лар М. илгари А.ни судланишига сабабчи бўлганлигини важ қилиб, у билан жанжаллашиб жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан М.ни уриб-дўппослаб, унга енгил тан жароҳати етказганлар.

Шу вақтда М. ака-ука А.Б.ларни қасддан ўлдириш мақсадида А.ни қўлида бўлган пичокни тортиб олиб, пичок билан А. ва уни акаси Б.ни баданларини турли жойларига бир неча маротаба қасддан урган. Натижада А. ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати туфайли вафот этган, Б. эса соғлигини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати олган. М. воқеа жойидан қочиб кетиб, ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ўз жиноий мақсадини охирига етказа олмаган.

Ушбу жиноят ишини суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлса-да, М.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Иш ҳужжатларига қараганда, А. муқаддам М. билан жанжаллашиб, унга қасддан оғир шикаст етказганлиги учун 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган.

Шундан сўнг А. жазони ўтаб чиқиб М.дан ўч олиш мақсадида у билан жанжаллашишни режалаштирган.

Ушбу режани амалга ошириш мақсадида А воқеа куни М.ни ошхонадан олиб чиқиб, акаси Б.ни олдига олиб келган. Шу ерда ака-ука А.Б.лар ўзаро келишмовчиликлар туфайли М. билан жанжаллашиб, уни уриб дўппослаганлар. М. ака-ука А.Б.ларни тажовузидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида А.нинг қўлидаги пичокни тортиб олиб, уларга бир неча маротаба пичок урган. Натижада А. оғир шикастланиб вафот этган, Б. эса, енгил шикаст олган.

Судланган М. дастлабки тергов ва судда, 2009 йил 1 октябрь куни соат 22 ларда таниши Б. билан “Тошкент” ошхонасида ўтиришган вақтларида, илгари унга пичок уриб суднинг ҳукми билан жазони ўтаб келган А. уларни олдига келиб жанжаллашганлиги, сўнг уни мажбурлаб икки ўртоғи билан “Дамас” автомашинасида тарвуз сотадиган А.ни акаси Б.нинг олдига олиб борганларини, А. акаси Б.га уни ушлаб туришни айтиб, ўзи уни урганлиги, у

билан борган болаларга ажратинглар, деб бақирганда, улар кўрқиб яқинлашмаганларини, шу вақтда А.ни кўлида пичоқ борлигини кўриб, унга уриб кўйишидан кўрқиб кўлидаги пичоқни тортиб олганлиги, пичоқни олаётган вақтда ўнг кўлининг бош бармоғини пичоқ тилиб кетганлиги, улар уришни тўхтатмаганлари учун кўлидаги пичоқ билан А.ни кўкрагига урганлиги, уларни тагидан чиқиб кетиш учун ҳар иккаласига бир неча маротаба пичоқ урганлиги, кейин пичоқни ташлаб милиция идораси томон кетганлиги, бироқ милиция идорасида фуқаролар кўп бўлганлиги учун уйига бориб, сўнгра уйдан нарсаларини олиб милиция идорасига келганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ А., Б. дастлабки терговда ва судда, 2009 йил 1 октябрь куни кеч соат 22 лардан кейин А., А., А. К.лар билан “Тошкент” ошхонасига овқатланиш учун боришганларини, шу чойхонада М. таниши Б. билан ўтиришганлиги, А. уларнинг олдига бориб, М.га бозорга акасининг олдига боришни айтиб ёқасидан тортиб йўловчи “Дамас” автомашинасига чиқишини айтганлиги, сўнгра биргалашиб А.нинг бозорда тарвуз-қовун сотиш билан шуғулланадиган акаси Б.нинг олдига боришганларини, улар автомашинадан тушмаганларини, А. автомашинадан тушиб, М.ни акаси Б.нинг олдига олиб бориб, М.ни уриб кетганлиги, сўнгра ака-ука А.Б.лар М.ни ерга йиқитиб тепишганлиги, М. уларнинг ёрдамга чақирганлиги, лекин уларни, олдига боришмаганларини, орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг А. автомашинани олдига тиззалаб келганда кўкрагидан қон оқаётганлиги, бир зумдан кейин Б. ҳам келганлиги, у ҳам пичоқланганлигини айтганлиги ҳақида кўрсатма берганлар.

Гувоҳ Б. дастлабки тергов ва судда, 2009 йил 1 октябрь куни таниши М. билан “Тошкент” ошхонасида ўтиришганида А. келиб М.га у учун камоқхонада ўтириб чиққанлигини, акаси Б.нинг олдига боришини айтиб,

унинг бўйнидан ушлаб йўловчи “Дамас” автомашинасига мажбуран чиқариб, А., Б., А.лар билан бирга 4-кичик туманда жойлашган бозорга борганларини, шунда А. билан М. автомашинадан тушиб бозорни ичига кириб кетганлари, ўзи эса уйига кетганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Судланган Б. дастлабки терговда ва судда, укаси А. илгари М.га пичоқ урганлиги учун судланиб жазо муддатини ўтаб келганлиги, 2009 йил 2 октябрга ўтар кечаси А. М. билан келиб, бу болани нима қилишни айтганлиги, шунда А.га уни қўйиб юборишни айтганлиги, бироқ А. М. билан уришаётганлигини кўриб уларни ажратмоқчи бўлганлиги, шу пайтда М. А.га пичоқ урганлиги, сўнгра унинг орқасидан ҳам кимдир икки мартаба пичоқ урганлиги, шунда А.ни ўртоқлари билан касалхонага олиб бораётган вақтларида укаси вафот этганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Суд тиббиёт экспертизаси М.нинг калла мия ёпиқ шикасти, бош миянинг чайқалиши, бурун суягининг ёпиқ синиши, юзидаги шилинган ва йиртилган жароҳатлар ҳамда ўнг қўл биринчи бармоқ соҳасидаги кесилган жароҳатлар мавжудлиги ҳақида хулоса берган.

Бироқ суд ушбу воқеа тавсилотлари, жиноят процесси иштирокчиларнинг кўрсатмалари ҳамда экспертиза хулосасига тегишли баҳо бермаган.

Олий суд Пленуми 1996 йил 20 декабрдаги **“Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”**ги қарорининг 5-бандида судлар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан ташқари, тажовузчи томонидан ҳимояланувчига туғдирилган хавфнинг характери, ҳимоянинг кучи ва тажовузни қайтариш имкониятлари, шунингдек, ҳужум ва ҳимояланувчининг кучи нисбатларига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча

ҳолатларини (хужум қилувчи ва ҳимояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, қуроли, жой, вақт ва бошқалар) ҳисобга олишлари зарурлиги кўрсатилган.

Суд М. таниши билан ошхонада ўтиришганида А. келиб, М.ни айби билан жазо ўтаб келганлигини важ қилиб жанжаллашиб, акаси Б.нинг олдига бориб келишни айтиб, уни йўловчи “Дамас” автомашинасига мажбурлаб ўтқазиб, акаси Б.нинг олдига олиб бориб, ака-ука А.Б.лар М.га хужум қилиб, унинг бош, юз ва бошқа соҳаларига бир неча маротаба уришиб, ерга йиқитишган вақтда М. яна илгариги ҳолат такрорланмаслиги учун А.нинг кўлида бўлган пичоқни кўриб қолиб, ҳужумни олдини олиш мақсадида унинг кўлидан пичоқни тортиб олиб, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида аввал А.га, кейин Б.га бир неча маротаба пичоқ уриб қочиб, кейинчалик ички ишлар органларига жиноят тўғрисида хабар берганлик ҳолатларига юридик баҳо бермаган.

Олий суд Пленуми 2004 йил 24 сентябрдаги **“Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарорининг 24-бандида қонун мазмунига кўра, агар қасддан одам ўлдириш тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий мудофаа чегарасидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилган бўлса, бундай жиноят Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми а,б,в,д,ж,р,с бандларида назарда тутилган квалификация белгилари бўйича содир этилган деб баҳоланмаслиги лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 28 июлдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, М.нинг ҳаракатларини жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда А.ни ўлдириш, Б.ни ўлдиришга суиқасд қилиш эмас, балки зарурий

мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан одам ўлдирган деб баҳолаб, М.нинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «ж» банди, 25,97-моддаси 2-қисми “а,ж” бандларидан шу кодекснинг 100-моддасига қайта квалификация қилиб, ушбу модда билан айбли деб топиб, унга нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 2-банди татбиқ этилиб, тайинланиши лозим бўлган жазодан озод этилди. Унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, жазони ўташ жойидан дарҳол озод қилинди.

***ЖСҲ-162-11-сонли ажрим***